



ЎҚУВЧИЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Холиқова Анора Абдисатторовна, Тошкент рақамли иқтисодиёт ва сервис техникуми она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, А. Навоий номидаги ТошДЎТАУ мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстиришга тааллуқли вазифалар белгилаб олинди. Ўқувчиларга мустақил ишнинг бажарилишини ташкил этиш ва адабиёт фани мавзуларини мустақил ўзлаштиришини амалга оширишга доир кўрсатмалар берилди. Ўқувчиларнинг ақлий, ижодий қобилиятини ривожлантириш мақсадида шингил ҳикоя, эртак, шеърлар, она Ватан ҳақида эсселар ёзиш ва суҳбатлар ўтказиш бўйича намуналар ишлаб чиқилди. Шунингдек, ўқувчилар мустақил ишларини самарали ташкил этиш йўллари ва уни такомиллаштиришга доир илмий-методик тавсиялар берилди.

Аннотация: Определены задачи развития творческого мышления учащихся. Даны рекомендации по организации самостоятельной работы и усвоению литературного материала. Приведены примеры написания рассказов, сказок, стихов, эссе о Родине, а также проведения бесед для развития интеллектуальных и творческих способностей. Представлены методические рекомендации по эффективной организации и совершенствованию самостоятельной работы учащихся.

Abstract: The tasks of developing students' creative thinking are defined. Recommendations for organizing independent work and mastering literary material are provided. Examples of writing stories, fairy tales, poems, essays about the homeland, and conducting discussions to develop intellectual and creative abilities are given. Methodological recommendations for the effective organization and improvement of students' independent work are presented.



Калит сўзлар: Шахсий салоҳият, глобал ёндашув, дидактик тамойиллар тизими, фидойи ва фаол муносабат, мустақил иш, ижодий фаолият, жасорат, эътиқод, ички интизом, имконият, шижоат, ривожланиш, маданият, педагогик компетентлик, инновацион фаолият, юксалиш, сифат, технология, натижа.

Ключевые слова: Личный потенциал, глобальный подход, система дидактических принципов, преданное и активное отношение, самостоятельная работа, творческая деятельность, смелость, убеждённость, внутренний дисциплинированность, возможность, рвение, развитие, культура, педагогическая компетентность, инновационная деятельность, повышение, качество, технология, результат.

Keywords: Personal potential, global approach, system of didactic principles, devoted and active attitude, independent work, creative activity, courage, conviction, inner discipline, opportunity, zeal, development, culture, pedagogical competence, innovative activity, advancement, quality, technology, result.

Ёшларнинг янги авлоди фаол фикр юритишнинг юксак маданиятига, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда мустақил йўл топа олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстиришда уларга бериладиган адабиёт фани мавзуларини мустақил ўзлаштиришлари зарур ҳисобланади.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун куйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Мустақил ишларнинг мазмуни ва кўринишларини таҳлил этиш;
- Мустақил ишлар ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга йуналтирувчи жараён эканлигини асослаш;
- ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этиш масалаларини ўрганишда мантиқийлик, анализ ва синтез, умумлаштириш, таққослаш каби усуллардан фойдаланиш ва ҳоказо.

Ўқувчиларнинг мустақил таълимини самарали ташкил этиш ва фаоллаштирмасдан туриб, мактаб таълими сифатини таъминлаш қийин.



Ўқувчиларнинг таълим олишида уларнинг мустақил фаолиятига катта эътибор бериш асосий етакчи ғоядир.

Бунда ўқувчи томонидан мустақил ишнинг бажарилишини қуйидагича ташкил этиш мумкин:

1. Мустақил иш мавзусини назарий ўрганиш учун ўқувчиларга дарслик, ўқув қўлланма ва махсус адабиётлар рўйхати берилади. Мазкур адабиётлардан фойдаланган ҳолда ўқувчи уларнинг мазмун ва моҳиятини ўрганади ва мулоҳаза юритади.

2. Ўқувчи мустақил иш мавзусини назарий ўрганиш учун унинг схемаларини чизиши, тузиши керак бўлади.

3. Ўқувчи ўзи чизган схемаларини ўқитувчига кўрсатади. Ўқитувчи уни тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида ўз фикрини билдиради. Бунда ўқувчи схемадаги камчиликларни ўзи мустақил равишда аниқлаши ва уни бартараф этишга эришиши зарур.

4. Тузилган схема ўқувчи томонидан мустақил ўрганилади. Ўрганилган схемалар ўқитувчи томонидан текширилади ва ундан фойдаланишга рухсат этилади.

5. Ўрганилган материаллар натижаларига кўра хулосалар чиқарилади.

6. Ўқувчи томонидан мустақил иш юзасидан ҳисобот тайёрланади ва бажарилган ишларнинг натижалари асослаб берилади. Ўқувчининг мустақил ишни бажаришдаги фаолияти ўқитувчи томонидан текшириб турилади. Ўқитувчи ўқувчининг ижодий ишлашига, уни мустақил фикр юритишга йўналтириб туриши билангина ёрдам бериши мумкин.

Ўқувчиларнинг келажакда гўзал ахлоқли ва чиройли тарбияли бўлишида ибратли фикр ва фаолиятларнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Хусусан, ўқувчининг ақлан ривожланиши учун унга турли китоблар ўқиб бериш, ривоят ва ибратли ҳикоятлар сўзлаш, халқ эртаклари ва дostonлардан, топишмоқлар, мақол ва маталлардан ўқиб бериш, ёки уларнинг ўзларига ўқитиш ҳам керак. Бу билан ўқувчиларнинг зеҳни ўсади, фикри кенгаяди, дунёқараши бойийди, хотираси кучаяди. Энг асосийси, ўқувчи



эшитганларидан ибратланиб, завқланиб, яхши одамларга эргашишга интилади, уларнинг хулқу одобидан баҳраманд бўлади. Шунингдек, ақл-заковатни ўстирадиган ўйинлар, машғулотларга ўқувчиларни жалб этиш орқали яхшилик ва ёмонлик, ахлоқ ва одоб каби боқий мавзуларда суҳбат ва тушунтириш ишларини олиб бориш муҳим ҳисобланади. Айниқса, бирор фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида ўқувчиларга қуриш-ясаш ишларини ташкил этиш мумкин. Ота-она ўғил қизларининг зехнли, ақл-идрокли, фикрловчи бўлиб улғайиши учун уларга кичиклигиданок буюк алломаларимиз, улуғларимизнинг ҳаёт йўллари ва ғазилатлари ҳақидаги ривоятларни, рамзий маънодаги яхшиликка, чиройли ахлоқ ва одобга чорловчи сўзларини айтиб бериш асосида уларнинг ақл идроки, маънавиятини юксалтиришга эришадилар.

Абу Наср Фаробийнинг таъбирича, Таълим ҳам, тарбия ҳам ёшларнинг ҳақиқий инсон бўлиб етишиши учун ниҳоятда зарурдир, дейилади. Фаробий инсонни ҳар томонлама мукамал қилиб тарбиялашда қўлланадиган таълим-тарбия усуллари, воситаларига жуда катта эътибор беради. У таълим ва тарбия беришда тарбияланувчига хос хусусиятни, хоҳиш, интилишни, руҳий майлларни ҳисобга олиб, таълим-тарбияни аста-секин тушунтириш, англашиш йўли билан олиб бориш, қўлланадиган усулни мўлжалланган мақсад томон йўналтириш кераклигини айтади. У бу икки усул етук ва мукамал инсонни етиштиришга хизмат қилиши кераклигини таъкидлайди. **1. Абу Наср Фаробий. Ғозил одамлар шаҳри - Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. -78-б.**

Ўқувчиларнинг мустиқил ишлари - уларнинг билим олиш фаолиятида ижобий таъсир кучига эгадир. Мустиқил иш, кўплаб олимларнинг фикрига қура, ўқувчиларнинг назарий ва амалий билимларни узлаштиришга онгли муносабатини тарбиялайди, уларнинг интенсив интеллектуал меҳнат одатини шакллантиради.

Ўқувчиларнинг ақлий, ижодий қобилиятини ривожлантириш мақсадида шингил ҳикоя, эртак, шеърлар, она Ватан ҳақида эсселар ёзиш ва



сухбатлар ўтказиш ўзига хос ижобий таъсир кучига эгадир. Хусусан, қуйидаги шеърнинг мазмунида олам қадар маъно бор.

“Юртим”

Келажаги буюк юрт,
Минг бир маконим гўзал.
Мустақил халқ, обод юрт,
Ўзбекистоним гўзал.

Соғлом ёш авлодлармиз
Орзу ниятлар чексиз.
Тенглар ичра тенгдошмиз,
Ватан туйғуси чексиз.

“Ватан” ҳақида эссе ёзиш.

Ватан биз кўз очиб кўрган ва вояга етган дунё. У онадек азиз, танҳо, ягонадир. Ватанимизнинг тоғу-тошлари, ер-сувлари, дов-дарахтлари, умримизга жон қадар яқин. Унинг тупроқларини ҳар қанча ардоқласак арзийди. Бу тупроқда бизнинг ақлу, маърифатимизни бугунги даражага олиб чиққан шону-шуҳратимизни дунёга намойиш этган ота боболаримизнинг хоки-пойлари ётибди. Шунинг учун ҳам уни "қиблагоҳ", "саждагоҳ" деб атайдилар.

Ватанни севиш уни қалб-дилдан англаш, у билан яшаш, уни яратиш, яшнатиш, обод этиш учун курашиш демакдир. Ватан-онанинг алласи таралган, бешигининг излари чизилган замин ҳисобланади. Биринчи бор тонгни кутган, баҳорни таниган макон-Ватандир! Ҳар бир инсоннинг бахту камоли Ватан биландир. Ўз ватани учун жонини аямайдиган инсоннинг юксак ахлоқи унинг чиннакам фидойилигидан далолатдир. Инсон учун онаси берган оқ сутни оқлаш қанчалик фарз бўлса, ўз халқи оддидаги қарзни узиш, унга ҳалол хизмат қилиш, керак бўлганда унинг шаъни-шарафи, ор-номуси учун жонини қурбон қилиш ҳам шунчалик фарздир. Абдулла Авланийнинг таъкидлашича, “Ватан туйғуси энг инсоний, энг муътабар туйғудир. Ватан



дарди билан яшамоқ, унинг бахтидан қувонмоқ, у билан фахрланмоқ керак. Ватан онадек муқаддас. Уни қадрлаш, эъзозлаш, унинг шодлиги ва қувончига шерик бўлиш, ғам-хасратини бирга баҳам кўриш фарзанднинг муқаддас бурчидир” 2. Абдулла Авлони. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: “Ўқитувчи”, 1992.- 34-б.

Ўқувчилар мустақил ижодий қобилиятини ривожлантириш мақсадида суҳбатлар уюштириш, эртас ва ҳикоялардан кенг фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Масалан:

«Одобли бола» ҳақида суҳбат.

Комилжон Назар бободан сўради: Бобо, одобли бола қандай бўлади. Бобо жавоб берди: Одобли бола – ақлли, доно, билимли, тажрибали, меҳнатсевар, тиришқоқ, маҳоратли, хулқ-атвори яхши, муомалали бўлади. У ҳаммага ёрдам беради, китоб ўқишни севади ҳамма ишда фаол ва фидойи бўлади. Одобли бола маънавий дунёсининг бойлиги, самимийлиги, одамийлиги билан гўзал инсон сифатида кўзга ташланади, Бундай болалар бутун билими, қобилияти, куч-ғайратини умумхалқ ишига бағишлайдилар. Одоб-ахлоқли, ақлли ва жисмонан соғлом, теран фикрли бўлган болаларни эл-юрт доимо севади ва ардоқлайди. Бунинг учун меҳнат қилиш, билим олиш зарур. Фойдали ишларни амалга оширган ҳар бир ўқувчи жуда катта муваффақиятларга эришади. Шу ўринда айтиш жоизки, Кайковуснинг фикрича, инсонни тарбиялашдан мақсад уни замон ва келажак учун яроқли шахс қилиб етиштиришдир. Бу борада муаллифнинг “Қобуснома” китобидаги асосий ғоя ота-оналарни болани меҳнатсевар, ҳалол, пок, иймонли, эътиқодли, хуш ахлоқ эгаси қилиб тарбиялашга даъват этишдир. 3. Шарқ тафаккури хазинасидан. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъати нашриёти, 1986. 96-б.

“Ака-сингилсуҳбати”.

Покиза акаси Азизга савол берди.

Ака, давлат хазинаси дегани нима?

Нима учун давлат хазинасини тўлдирамиз дейишади?



Азиз жавоб қайтарди. Давлат бу - биз яшаб турган она юрт. Давлатимиз бизга доимо ғамхўрлик қилади. Аҳолидан олинган солиқлар, йиғимлар, тўловлар давлатимиз хазинасини ташкил этади. Хазинада тўпланган маблағлар қайта тақсимланиб, тинч, фаровон турмушимиз учун сарф этилади. Давлатимиз бизга доимо ғамхўрлик қилади. Биз давлатимизнинг ёрдами билан жуда яхши, хотиржам яшаймиз.

“Каримжон яхши бола”. Ҳикоя.

Каримжон жуда яхши бола. У ўқишни жуда севади. Ёмон болалар билан ҳеч қачон ўйнамайди. Доимо яхши болалар билан суҳбатлашади. У тоза-озода юради, ўртоқларини ҳурмат қилади, ҳаммага хушмуомалада бўлади ва ёрдам беради. Каримжон вақтнинг қадрини жуда яхши сезади. Шу сабабли у ҳар қачон фойдали ишлар билан банд бўлади. Ўзидан катта кишилардан кўп нарсаларни билиб олишга қизиқади. Каримжон кишиларга турли саволлар билан мурожаат қилади ва ўзи ҳам кўп нарсаларни билиб олади.

Хулоса шуки, ватанимиз тараққиёти, халқимиз бахт-саодати йўлида ёшларнинг мустақил фикр юритиши ва ижодий қобилиятини ривожлантириш ва уларнинг илмли ва касб-ҳунарли бўлиб етишишлари учун қўлдан келган барча ижтимоий фойдали ишларни амалга ошириш лозим. Ибратли эртак, ривоят, ҳикоя, суҳбатлар ёшларнинг онги ва дунёқарашини ривожлантиради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри - Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. -78-б.
2. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: “Ўқитувчи”, 1992.- 34-б.
3. Шарқ тафаккури хазинасидан. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъати нашриёти, 1986. 96-б.
4. 2. Ш.Мирзиёев Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз Т.: “Ўзбекистон” 2016
5. 3. Ш.Мирзиёев Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Т.: “Ўзбекистон” 2017 .